

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 15 март, шанба • № 22 (10.900) • Эркин нарҳда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



13 март кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган НАТО бош котиби Хавьер Соланани қабул қилди. Президент Ислам Каримов Хавьер Соланани юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан НАТО, хусусан, «Тинчлик йўлида шериклик» дастури доирасидаги алоқалар самарали ривож топаётганини таъкидлади. Маълумки,

Ўзбекистон 1994 йили мазкур дастурга аъзо бўлган эди. Кейинги икки йил давомида Республикаимиз аскар ва зобитлари ушбу дастур доирасида ўтказилган бир қанча ҳарбий машқларда қатнашди. Бу ҳамкорлик энг аввало минтақавий ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги муносабатлар, хусусан, «Тинчлик йўлида шериклик» дастури доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, НАТОдаги ўзгаришлар жараёни, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари Б. Фуломов, В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва муҳофаа вазири Р. Аҳмедов иштирок этди.

Шу кuni НАТО бош котиби Хавьер Солана Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳам бўлиб, парламент Раиси Эркин Халилов билан учрашди. Бош котиб Хавьер Солана Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамда муҳофаа вазири Рустам Аҳмедовлар билан ҳам мулоқотда бўлди.

Х.Солана ўз сафари охирида Самарқанд шаҳрини зиёрат қилди. У қадимий шаҳардаги меъморий обидалар билан танишди. Шундан сўнг НАТО бош котиби Х.Солана Туркменистон пойтахти — Ашгабатга жўнаб кетди.

Суратда: қабул пайти. А. ТУРАЕВ олган сурат(ЎЗА).

СОҒЛОМ АВЛОД — ВАТАН ТАЯНЧИ

Кеча «Соғлом авлод учун» халқаро, хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бўлимининг 1996 йилги фаолиятининг якунлари ва 1997 йилдаги асосий вазифалар ва иш режалари муҳокама этилди.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар чуқур муҳокама этилди ва улар юзасидан жамғарма бошқарувининг қарори қабул қилинди.

Йиғилишда республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раёсатининг раиси, Олий Мажлис меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўмитасининг раиси Г. Йулдошева сўзга чиқди.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ҚИШЛОҚДА ПИШЛОҚ ЦЕХИ

ЯНГИОБОД қишлоғида сут маҳсулотларини қайта ишлаовчи корхона ишга тушди. Барча жиҳозлар Туркиядан келтирилди. Эндиликда бу ерда кунига уч тоннагача сут қайта ишланиб, сариёғ ва пишлоққа айлантирилмақда. Пишлоқ маҳсулотлари чиройли қадоқланиб, савдога чиқариляпти. Яқин орада сариёғни ҳам қадоқлаш режалаштирилган.

Шоюсуф МИРЮСУФЗОДА, Қибрай тумани.

ҲИССА

Куйичирчиқ тумани қишлоқларида Наврўз арафасида ободончилик ишлари кучайиб кетди. Янги-янги савдо дўконлари, маиший хизмат бинолари қурилиб ишга туширилмақда.

БУЛАРИНГ асосий қисмини республика қишлоқ қурилиши бирлашмасига қарашли 3-комбинат амалга ошираётди. Корхонада гишт, бетон блоklar ва плиталар, том колпачлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг иш суръати янада ошди. Дўстобод қўрғонидики қисқа вақт ичида ўндан ортиқ кўркам хусусий дўконлар, маиший хизмат корхонаси, ошхона фойдаланишга топширилди. Мингчирчиқ қишлоғидаги бозор қайта қуриляпти. Корхона жамоаси мижозлар келишини кутиб ўтирмай, уларни ўзи топиб, ўзининг автомашиналарида қурилиш материалларини етказиб бераётганлиги буюртмачиларга маъқул бўлаяпти.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ЎТТИЗ СЎМГА УЧ МАҲАЛ

ИККИ ойдики, «Қобул—Тўйтепа—Тўқимачилик» қўшма корхонасида ишчилар маиший хизмат бўйича қулай шaroитларга эга бўлдилар. Бу ерда ҳар бир киши кунига 30 сўм тўлаб, уч маҳал тамадди қилмақда. Таомлар сифати доимо маъмурият назоратида.

Келажақда фабрика тўла қувват билан ишлай бошлагач, 2150 нафар ишчининг ҳаммасига ва мутахассисларга бепул овқат бериш режалаштирилмақда.

— У кунлар узоқ эмас, — дейди корхона раҳбари А. Шералиев, — биз ҳозир ҳар ойда 800 тоннадан зиёд ил йигиряпмиз. Ишчилар малакаси ошиб, кўрсаткичи ойига 1000 — 1200 тоннага етгач, ана шу режа амалга ошади, деб уйлаймиз.

Саид САИДАҲМЕДОВ.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

МИЛЛИЙ байрамимиз Наврўзни ҳар ким баҳоли қудрат меҳнат совғаси билан кутиб олиши аёнана бўлиб қолган.

«Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти миришкорлари ҳам ана шунга амал қилиб шаҳарликларнинг байрам дастурхонига эртаги сабзавот — бодринг ва помидор етказиб беришни ният қилишган. Ана шу мақсадда ўтган йилнинг октябрь ва декабрь ойларида олти гектарлик майдонга помидор ва бодринг кўчатлари экилган эди.

Иссикхонда парвариш ишлари кўнгилдагидек олиб борилди. Айниқса, З. Қозқоқова, Ш. Абдуллаева, Г. Ан каби сабзавоткорлар астойдил тер тўкиб ишладилар. Ҳозирги кунда помидор кўчатлари ёлпасига ҳовил тўккан. Бодринглар эса бугун-эрта ҳосилга кирди.

— Ҳар бир квадрат метрдан камида саккиз килограммдан помидор, ўн тўрт килограммдан бодринг ҳосили олиб, Наврўз байрамимизга шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилмоқчимиз, — дейди иссиқхона агрономи Ф. Хожимуродов.

Абдураҳим МАТҚУЛОВ, Юқоричирчиқ тумани.

«ДўСТЛИК» СОВРИНДОР

БИР ҲАФТА мобайнида вилоятимиз уйингоҳларида давом этган «Наврўз» соврини учун аълонавий футбол турнири низоҳасига етди. Унда вилоятимизнинг олий ва биринчи табақа иштирокчилари бўлган «Дўстлик», «Кимёгар», «Металлург», «Роҳат», «Букалик» ва «Лочин» жамоалари қатнашдилар. Ҳалиб сўнгги турда маълум бўлди. Чирчиқнинг «Кимёгар» футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлуб этган «Дўстлик» жамоаси «Наврўз» совриндори бўлди.

Ш. УМИРОВ.



ОБОДЛИК ҲАЙЗИ

Туманда шунга одатланишган. Бирон ишга киришлар экан, албатта аниқ режалар белгилаб олинади. Унда рубога чиқиши керак бўлган тадбирлар мазмуни, муддати, ижроси, топшириқни назорат қилувчи масъул ходимнинг қимлиги ўз ифодасини топади. Ишнинг бориши эса ҳақ икки уч кунда бир марта ҳокимлик ҳузуридаги штабда муҳокама этилади.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Фаоллар Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга оширилмайдиган тадбирлар дастури турғисида»ги, вилоят ҳокимининг «Наврўз байрамини таъбиргарлик кўриш ва уни муносиб ўтказиш турғисида»ги қарорлари билан пухта танишиб олганларидан кейин мазкур ҳужжатларга мувофиқ туманининг ҳар бир қишлоғини ободонлаштириш, йўлларни, ночор оилалар хонадонларини, қабристонларни таъмирлаш бўйича дастур тасдиқланди.

— Биз бу гап худудимизга аниқлаб чиқаришга аҳд қилдик ва ана шу мақсадда бу ишга барча ҳўжаликлар, саноат корхоналари, ташкилотлар, муассасалар, тадбиркорлар, хусусий корхоналар, тижорат тизими жамоаларини жалб этдик, — дейди туман ҳокими Мирзахўжа Қалқуллов, — уларга ободонлаштиришлар керак бўлган жойлар кўрсатилиб, аниқ вазифалар топширилди. Ҳар бир ташкилот уни ўз кучи билан амалга оширмақда. Қисқа муддат ичида қатор қишлоқлар ўзгача қиёфага кирди, кўча томонга қараган эски деворлар ўрнида наққинкор бетон плитали, шлакбюккли деворлар қад кўтарди. Кўпгина жойларда улар оппоқ йишлар билан колпачли, маҳаллалар чиройли тобора оқиб борамақда.

Биз туман ҳокими муовини Хасан Алиев билан қишлоқларни айланар эканмиз, бу сузларнинг яна бир бор гўвоҳи бўлдик. «Гулистон» корпорациясида узоқ йиллар ишлаб, эндиликда меҳнат гаштини сурётган Азим ота Тўғизоёв узларининг уларни таъмирлаб, деворини оқ тилдан уриб бўлган қурувчиларини узоқ дуо қилдилар.

Самимий дил сузларидан руҳланган корпорациянинг Оролбой Ҳусеинов бошлик қурилиш бригадаси отага миннатдорчилик билдириб қўшни хонадон деворини таъмирлашга киришди.

«Бодонқўл — Жумабозор» йўналишида йўлқаларни, хонадонларни таъмирлаётган, деворлар тиклаётган «Дўстлик» жамоа ҳўжалиги шифохонаси ходимлари, «Соҳибкор», «Олга» жамоа ҳўжаликлари қурувчилари ҳақида ҳам бир неча оила соҳиблари мамун бўлиб таъбирлашди.

Арганичи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қуттибой Тошпулатов бизга «Анвар» тикувчилик ҳиссадорлик жамияти (раҳбар вазифасини бажарувчи Абдурауф Маннопов) аҳоли истиқомат жойидаги 150 метр деворни ҳамда ёлғиз қария Тўпиш Мўминтоёв хонадонини таъмирлашни зиммасига олганлигини таъбирлаб берди. «Доним» кичик корхонаси бошлиғи Тоҳиржон Йўлдошев ҳам бу ишдан четда қолмапти.

«Бектемир-Чирчиқ-Ғазалкент» бош йўли чеккасидаги аҳоли истиқомат жойларида таъмирлаш ишларини республика «Узавтойўл» концернининг Рашид Юнусов раҳбарлик қилаётган автомобил йўллари қуриш ва таъмирлаш бирлашмаси, шунингдек, тумандаги бир қатор қурилиш ташкилотлари амалга оширмақдалар. Қурувчилар пугури кетган деворларни бўзиб ташлаб, уригага ўрнатган наққинкор бетон деворларни оқлашни низоҳасига етказдилар. Йўлқалар таъмирланса, бу йўналишдаги ишлар тўла бажарилган бўлади. Янги-бозор-Ўртасарой-Тўқимбой, Тошкент-Юқоричирчиқ, Олмалик бош йўлларининг икки чеккасида ҳам таъмирлаш ишлари жадал борапти.

— Қишлоғимиз кўрк очидиган бўлди, — дейди «Истиқлол» фуқаролар йиғини раиси М. Саидзаимов, — кўп йиллардан буюн оқсикол бўлиб ишлётганимга қарамай, ҳали ҳеч қачон ободонлаштириш ишлари бундай ушқоқлик билан борганингини билмайман. Улўғ байрамимиз шарафига сидқидилдан ишлётган жамоалар, фидокор кишилар меҳнати чиндан ҳам эътиборга лойиқ бўлмақда. Туманда умумхалқ байрамимизга ҳозирлик қатта. Барча ҳўжаликларнинг икки йўллари четларига экилган мевали, манзарали дарахтар таъмирланди. Ҳўжаликларда хиебонлар ташкили этиляпти, теракзорлар барпо қилинди.

Туман Халқ таълими, маданият бўлимлари айёмга концертлар, театрлаштирилган курсатувлар таъбирламоқдалар. Истиқомат боғида «Ўзбекистон — Ватаним манзи» кўшиқ танловининг туман толиблари концерт курсатдилар. Бу ерда Наврўз гузаллик ва маънавий байрамимизга айлангани учун ҳамма харақатда.

Саидвали ҲАСАНОВ.


МАРАФОН ДАВОМ ЭТАПТИ

Бир ҳафтадики, Охангарон тумани аҳолиси дала ва боғларга, қишлоқ кўчалари ва катта йўл ёқаларига «кўчиб» чиқишган. Улар ўз ихтиёрлари билан ҳафтаининг ҳар бир кунини «шанбалик» деб эълон қилдилар.

Хамма жойда Наврўзга таъбиргарлик қуриляпти. Дала юмушлари авжида, дарахларга шакл бериб, боғлар ораста қилинаётди. Кўчалар ободонлаштирилиб, ҳар бир қишлоқда қурилиш тугалланган дўкон ва маиший хизмат корхоналарини фойдаланишга топшириш учун сўнгги пардозлаш ишлари амалга ошириляпти.

— Ҳар бир жамоа ҳўжалиги, корхона ва ташкилотда Наврўзолди ишлари ва байрамни ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилди, — дейди туман ҳокими Улўбек Иброҳимов, — Жамоаларда байрамни қай тарзда ўтказиш ихтиёри уларнинг ўзларига берилган. Аммо хамма жойда сайиллар уюштирилади, дастурхон эзиб, ош тортилади. 15 мартда оммавий шанбалик бўлади. Шу кунни ишлаб топилган маблағни ногирон, боқувчисиз ва камхаржли оилаларга сарфлаймиз.


Туманда Наврўзолди марафони бўлиб ўтди. Корхона, ташкилот ва жамоа ҳўжаликлари «Наврўз» жамғармасига баҳоли қудрат хисса қўшдилар. Жумладан, «Янги ҳаёт» жамоа ҳўжалиги 100 минг сўм, «Охангарон» ҳиссадорлик жамияти 150 минг сўм, туман ҳокимлиги эса хайрия сифатида 100 минг сўм, ободончилик ишларига 500 минг сўм пул ажратди. Шу кунгача туман бўйича жамғармага жами 1,5 миллион сўм тушди. Марафон давом этапти.



Ҳиссадорлик жамиятларида

— Буюртмаларни вақтида ва кўнгилдагидек бажариш бозор муносабатлари вақтида асосий вазифа ҳисобланади, — дейди «Бука пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти таъбир маҳсулотлар бўлими бошлиғи Хамидулла Хожимуродов. —

Мижозни ранжитишга, икки ўртада тузилган шартномани бузишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда улардан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Шунинг учун буюртмаларни вақтида бажаришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Иккинчи му-



ҳим масала тола сифатидир. Бу соҳада ҳам қатъий тартиб ўрнатганмиз. Шу тўғрисида ҳам кейинги йилларда мижозларимиздан толана вақтида жўнатмаганимиз ёки сифати пастлиги ҳақида биронта ҳам нозилик хати олганимиз йўқ.

Дарҳақиқат корхона жамоаси ҳўжалик иртиқининг ҳиссадорлик жамияти шаклига ўтганидан кейин ишлаб чиқариш ҳар томонлама юксалиб борапти. Утган йил натижалари ҳам бунга далил бўла олади.

Пахта тозаловчилар жорий йилни ҳам дуруст бошладилар. Унинг биринчи ойна топшириқлари асосий кўрсаткичлар бўйича ортиги билан бажарилди. 849 тонна тола ишлаб чиқарилди. Бу режада назарда тутилганидан ўн икки тонна ортиқдир. Пахта ҳам ашёсидан тола ажратиб олишда эришилган натижа ҳам ёмон бўлмади. У 29,7 фоиз ўрнига 31,1 фоизни ташкил этди. Ҳар бир тонна «оқ олтин»дан ажратиб олинган тола миқдори назарда тутилганидан 0,4 фоиз ортиқ бўлди. Бу юзакни қараганда кичик рақам бўлиб қўрилади. Аслида эса салмоқлидир. Ахир шу 0,4 фоизни қайта ишланмаётган мингглаб тонна пахтага нисбатан ҳисоблаб чиқилса қанчалик катта рақамни ташкил этишини тушуниш қийин эмас. Бу қўллаб қўшимча тола, юз минглаб сўм қўшимча даромад, турғирчи соф фойда демакдир.

Собир ҲАМИДОВ. Суратларда: ҳиссадорлик жамияти таъбир маҳсулотлар бўлими бошлиғи Хамидулла Хожимуродов ва бўлими ишчиси Маъмур Умарбоев таъбир тола тўйларини жўнатилишга таъбирламоқдалар; пахта бунтдан тушириб олиняпти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Дастлабки сўз

Биз узоқ вақт жаҳон миқёсида, ҳатто Ёш атрофида рўй бераётган воқеаларни ҳам беш...

Мен учун Тожикистонга, айниқса унинг пойтахти Душанбе шаҳрига бор...

ҲАМДАРДЛИК

кистонда ўз мақсадларига эришмаганларидан кейин макон...

Тожикистонга ҳар икки кун ҳам бир вақтингиз ўзидики...

Ислому Каримов ҳақ гапни айтган эди. Орадан кўп ўтмай Тожикистонда...

Тожикистонга, айниқса Душанбе шаҳрига бор...

БУГУНГИ ТОЖИКИСТОН:

НОДОН ХАМ

АЗИВ НАРСА...

икки йилгит ўтган-қайтганларни текширайти. Мен эса Урғала...

ТУРСУНЗОДАДАН ДУШАНБЕГАЧА

Хаёлингир бироқ аста-секин Тожикистон томон қадим босам...

ни қўрдими, сураб-суриштириб утирмасдан босиб олиб кетав...

Сўхбат, гангур-гунгур билан андармон бўлиб, аср номозида...

ДУШАНБЕ ОҚШОМИ

Биродаримиз ўйла экан. Мени кўриб кўнглим тўғал...

Ақшолимиз мана шу, -- деди у. -- «домда иссиқ сув йўқ...

Ушанга мушук, қийрачқилардан ноҳос уйғониб...

Ана шу жанжалларга «демократ» деб қўқиса урганлар...

Ана шу жанжалларга «демократ» деб қўқиса урганлар...

«Ҳозир нима қилаёсан, -- дедим. -- Институтдаман, икки кун дарсим бор...

Чеким учун балқонга чиқдик. Соат кеч 8 га бориб қолган эди...

«Нега одам йўқ, -- деб сўрадим. -- Кўрқилшадим, жиноятчи...

Вақт аллаҳча бўлиб қолганлиги учун биродаримнинг гапдан...

«Душанбе оқшомини биз ана шундай кайфиятда ўтказдик...»

ПОЕЗДАГИ ГУРУНГ

Қайтишда поездга чиқдим. Беш киши бир кўлега қойлаш...

Колган икки кишининг бири -- Кўронтепадан, иккинчиси...

Поезд кишлоқ орабга кетаяпти. Кимдир Ҳисорга етиб кели...

Поезд кишлоқ орабга кетаяпти. Кимдир Ҳисорга етиб кели...

Поезд кишлоқ орабга кетаяпти. Кимдир Ҳисорга етиб кели...

Поезд кишлоқ орабга кетаяпти. Кимдир Ҳисорга етиб кели...

Поезд кишлоқ орабга кетаяпти. Кимдир Ҳисорга етиб кели...

Поезд кишлоқ орабга кетаяпти. Кимдир Ҳисорга етиб кели...

Поезд кишлоқ орабга кетаяпти. Кимдир Ҳисорга етиб кели...

Поезд кишлоқ орабга кетаяпти. Кимдир Ҳисорга етиб кели...

БАНК ТИЗИМИ:

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Тошкент вилояти банклар тизими кенгашининг наватдаги кенгайрилган мажлиси бўлиб ўтди.

«Тошкент вилояти банк тизимининг 1996 йилдаги иш фаолият ақуллари ҳамда мамлакатнинг Президенти И. А. Каримовнинг 1997 йил 26 февралда Вазиранг Мақамаси мажлисида қилган мақорусидан, шу йилнинг 5 мартда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида бўлиб ўтган мажлис қароридан келиб чиқадиган ҳулосалар асосида жорий йилда вилоят банки тизими олдида турган вазифалар тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Мажлисни Тошкент вилояти марказий банки бош бошқармаси бошлиғи Н. Солиев олиб борди.

Мақорусида музокараларда қатнашган нотиклар нукталарида қайд қилингандек, ҳисобот даврида банк хизмати яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мутасил амалга оширилди.

Бироқ, қатор шаҳарлар ва туманларда муомалага қўшимча пул қириқиб қўрсатишлари ҳамон юқорилигига қолмоқда.

Банклар томонидан ҳўжалик субъектларига бериладиган кредит маблағлари шартномада белгиланган мuddатда қайтарилмапти.

Мажлисда ҳўжалик субъектлари ўртасидаги дебиторлик-кредиторлик қарзлари ҳамон катта муаммо бўлиб қолётганини алоҳида таъкидланди.

Бу ва бошқа шунга ўхшаш камчиликлар банклар раҳбарларининг пул-кредит сиёсати комиссиялари, вилоят банклари ва уларга қаралиш барча бўлимларда ташкил этилган кредит қўмиталарининг иш услуби итисодий ислохотлар тобора қўмурашиб бораётган хозирги кун талабларига жавоб бераётганлиги оқибатида содир бўлмоқда.

Мажлисда вилоят иштиқболни белгилаш ва статистика беш бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳўқимининг муовини Б. Ҳосилов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг муовини Х. Юнусов сўзга чиқдилар.

Мажлисда вилоят банк тизими олдида турган мўҳим вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

КИМОШАВ САВДОСИГА, МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент вилояти давлат мулк қўмитаси ва Тошкент вилоят қўчмас мулк биржаси қўйидаги автотранспорт воситалари, кимёвий тозалаш хизматини барча жиҳозлари билан кимёмошди савдосига қўяди.

Table with columns: Рўсуми түпи, Ҳақ қисми, Автобаҳо миқдори, Миқдори ҳўранг (мм), Иккундан аили, Бўлими миқдори, Сўм

Table with columns: ГА3-2411, 75-68 ТНБ, Тошкент вилоят қўмитаси гаражи, Тошкент шаҳри, 278450, 1990, 91200,0; ИЖ-2715-01-011, 01-91 ТШЛ, Паркент шаҳаридagi 11-санот зонаси, 170000, 1986, 32200,0; ҲАМИ, 123400,0

КИМВЕЙ ТОЗАЛАШ ХИЗМАТИ, ЖИҲОЗЛАРИ БИЛАН Ангрен шаҳридаги кимёвий тозалаш хизмати, жиҳозлари билан бошлангич баҳоси 85697,2 сўм САВДО ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ БИНОСИДА 1997 ЙИЛ 29 МАРТ КҲНИ СОАТ 10.00 ДА БОШЛАНДИ.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ Малакали печатчилик, полиграфия усқуналари иш соловчи, санонат вентиляцияси бўйича чиқланган, автоматист, автоэлектрик, тоқарь, бобон, вахтер (уйида телефон бор)ларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ. Мўржабат учун манзил: Буюк Тўпон кўчаси, 41-уй, ҳодимлар бўлими, ТЕЛЕФОН 33-80-83.

МҲЛ ГАЛЛА ҲОСИЛИ ОЛАЙ ДЕСАНГИЗ

Кейинги йилларда вилоятиида галла мустақиллиги эришиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилляпти. Экин майдонлари кенгайди, соҳага эътибор қўяди, юқори унумли ерлардан галла экин учун катта-катта майдонлар ажратилди.

УТТАН йили кузда дон экинлиги, ундириб олинганга қадар ортиқча сувуқ бўлди. Агротехника қиладарига амал қилиб вақтида экинган майдонлардаги уруғ текис унинг чиқди, кондириб суқорилган ва озикланган майдон экин яхши ривожланди.

тириши анча кенаяпти. Агар бунинг олди олинмаса экиннинг тулланиши, найчаланishi ва бошқоқлаши ҳам анча орқага сурйлади, ҳосилдорлик камайди.

Олимллар ва мутахассислар ўтказган текширишда Окўўргон тумани ҳўжалиқларида галла экинган майдонларининг 72,1 фоизи, Занғота туманида 70,6, Янгийўл туманида 41,9, Окдангарон туманида 27,7 фоизи, Кўйичирик туманида 53 фоизи тулланиши аниқланди.

МУТАХАССИСЛАР ТАВСИЯ ҚИЛАДИЛАР

олишининг асосий омилларидан ана бири экинни вақтида майдонли уғитлар билан озиклантиришдир. Экин даврида кузда уғитланган, экиндан сўнра тежда суқориб, ўз вақтида қўқатириб олинган, қиш ва бақор ойларида ҳам озиклантирилган майдонлардан юқори ҳосил олиш мумкин.

озиклантириш зарур. Шуни ҳам унутмаслик керакики, буддийнинг «Стартанка», «Скифка» ва «Юна» навлари агроэколага анча таъбиқар, озукчан буюк 20-30 фоиз озукчи бошқорилиши кўчатириш дарқор. Бу ишларни тез, сифатли ва вақтида бақариш галладан мўл ҳосил олиш имқонини беради.



УМИД ВА СИНОВ МАВСУМИ

18 мартда футбол бўйича мамлакат VI миллий биринчилиги ўйинлари бошланади

МУХЛИСЛАРГА КЎПРОК КУВОНЧ ҲАДЯ ЭТАЙЛИК

Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби ЗОКИР ҚУРБОНОВ билан мулоқот.

— Зокиржон Аҳмаджонович, уч кундан кейин Ўзбекистон VI мамлакат биринчилиги ўйинлари бошланади. Бу йилги мавсумнинг аввалларидан фарқи шундаки, Ўзбекистон футболчилари биринчи бор жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларида катнашадилар. Бу жиддий синовга миллий терма жамоамиз қандай тайёргарлик кўрмоқда? Утган йилги Осиё биринчилигидаги муваффақиятсизлик ва алам ҳисси ҳали мухлисларни тарқ этганича йўқ.

— Ўзбекистон футболчиларининг жаҳон биринчилигида катнашишининг ўзи бир орзу эди. Бизга бундай имкониятни мустақиллигимиз берганлигини унутмаслигимиз керак. Жаҳон биринчилигида муваффақиятсизлик ва алам ҳисси ҳали мухлисларни тарқ этганича йўқ.

— Бундан кўра, футболчиларимизнинг тарқлигида қандай ўзгариш бўлади? Бизга бундай имкониятни мустақиллигимиз берганлигини унутмаслигимиз керак. Жаҳон биринчилигида муваффақиятсизлик ва алам ҳисси ҳали мухлисларни тарқ этганича йўқ.

— Бундан кўра, футболчиларимизнинг тарқлигида қандай ўзгариш бўлади? Бизга бундай имкониятни мустақиллигимиз берганлигини унутмаслигимиз керак. Жаҳон биринчилигида муваффақиятсизлик ва алам ҳисси ҳали мухлисларни тарқ этганича йўқ.

риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажаришда катта ютуқларга эришилмоқда.

— Демак, бу йил олий табақада кўзда тутилгандек 16 жамоа эмас, балки 17 жамоа катнашар экан-да.

— Шундай, ҳар турда биттадан жамоа дам олади.

— Олий табақани йил охирида неча жамоа тарқ этади, унинг ўрнига неча команда чиқади?

— Нисом бўйича якуний натижага кўра жадвалда 14—17 ўринларда қолган клублар, яъни турт жамоа олий табақани тарқ этади. Унинг ўрнига биринчи табақадан икки жамоа чиқади. 1998 йилги мамлакат биринчилигида 15 жамоа катнашиши режалаштирилган. Умуман келажакда олий табақадан катнашчилар сонини 12 тага туширмоқчимиз. Бу аввало, жамоалар ўртасида ўзаро рақобатни кўнгайтира, ўқув машғулотлари ҳамда халқаро ўрашувларга кенгроқ имкон яратеди.

— Бу йилги мавсум яна нималари билан аввалгисидан фарқ қилади?

— Бу йил ҳар бир жамоа ўринбосарлар таркибига эга бўлиши ва улар бир кун аввал ўрашув ўтказиши лозим. Бу жамоа мураббийлари учун иқтидорли ёшларни тарбиялашда мактаб вазирасини ўтайди.

— Зокиржон Аҳмаджонович, Республика Вазирилар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш ҳақидаги қароридан клублар келажакда ўз-ўзини маънавий билан таъминлаши назарда тутилган. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? «Берсанг ейман...» кайфияти жамоаларни тарқ этаманлиги, шу ҳусусда нима дея оласиз?

— Олий табақа аъзоларининг айримларида ўз-ўзини маънавий билан таъминлашда интилиш бор. Жумладан, «Дўстлик», «Навбахор», «Нефтчи», «Насаф» жамоалари ўзларини ўзлари маънавий билан таъминлаш йўллари кидириб топмоқдалар. Бирок, «Атласчи», «Янгир», «Андижон» сингари жамоалар ҳамон боқимандалик кайфиятидан қутилганлари йўқ. Бу ҳол айниқса, биринчи табақа вакиллари ўртасида яққол сезилмоқда. Вазирилар Маҳкамаси қарорининг шу бўлмиш бандларидан ҳисобланган шартини бажара олманг жамоалар келажакда «инкирозга» ўраб, қаровондан четга чиқиб қолиши мумкин.

ОДАМЛАР-У, ОДАМЛАР, ЭШНТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

СИЗЛАРНИ «ДЎСТЛИК» ўйингоҳида бўладиган «НАВРЎЗ» байрами-ю, янги ФУТБОЛ мавсуми очилиши тантанасига таклиф этамиз.

18 март куни вилоятимизнинг бош ўйингоҳида катта халқ сайли бўлади. Байрам томошасида Ўзбекистон халқ артисти Ғулжон ЁҚУБОВ, моҳир рақоса Рушана СУЛТОНОВА, шаҳар ва туман бадий ҳаваскорларининг ранг-баранг чиқишларини кўрасиз. Шунингдек катта савдо ярмаркаси хизматингизда бўлади.

Янги футбол мавсуми очилиши тантанасидан сўнг «Дўстлик» — «Бухоро» жамоалари учрашади. БАЙРАМ тантаналари соат 13.00 да, ФУТБОЛ баҳси эса соат 15.00 да бошланади.

СИЗЛАРНИ «Дўстлик» ўйингоҳида кутамиз, азизлар!

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

ҲАР БИР жамоанинг ўз мухлислари бор. Мен Тошкентда яшайман ва ишлайман. Лекин Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси шайдоиман.

«Пахтакор», МХСК, «Трактор» жамоалари ўйинлари ҳам бориб тураман. Лекин меҳрим «Дўстлик»га тушган. Утган йили мен севган жамоа яхши ўйин кўрсатиб, тўртинчи ўринни олди. Футболчиларнинг ақсари яхшилар. Бу кўнрали. Моҳир тўпурар Жаъфар Ирисметов энди 21 га тўлди. Бу йил мамлакат терма жамоасига қабул қилинганлиги мен сингари «Дўстлик» мухлисларини янада хурсанд этди. Ҳимоячи Рустам Шоймардонов, «Дўстлик»нинг қанот ҳимоячиси, бу йил ҳарбий хизматга қақрилиб МХСК сафидан ўйнайдиган Соиб Аҳмедовнинг ҳам терма жамоага жалб этилиши вилоятимизда ҳам иқтидорли ўйинчилар етишиб чиқатганлигидан далolatдир.

Ҳар сафар 20—25 километр йўл босиб қишлоқ ўйингоҳига бораман. Ўрашувдан сўнг шунча йўл босиб орқага қайтаман. «Дўстлик»нинг тошкентлик мухлислари талайгина. Лекин бизни бир муаммо, бориб келиш қийнади. Қани энди ўйин кўрарди? Шундан махсус автобуслар қатнови ташкил этилса, айти мудоа бўларди. Илгарилар шундай қилинарди-ку, ахир! Ҳа, айтандек бу ўйингоҳда ҳар бир ўрашув олдидан ташкил этилаётган маданий тадбир-томошалар мухлисларга манзур бўлпти.

Бу йил ҳам мен севган «Дўстлик» чиройли ўйин кўрсатади деб умид қиламан.

Навфал ЗОКИРОВ,
божхона ходими.



Маҳмуд РАҲИМОВ: «Дўстлик» жамоаси аъзолари.

«ҲУЖУМКОР ЎЙИН КЎРСАТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ»

— Маҳмуд Нигматович, мана, янги мавсум бошланмоқда. Утган йили «Дўстлик» яхши ўйин кўрсатиб, мухлисларни мамнун этди ва эгаллаган зўри ҳам қутилганидан зийда бўлди. Табиийки, бу йил мухлислар жамоадан янада юқори натижани куттишади. Кучли уқлиқа кириш эса омон эмас. «Навбахор», «Нефтчи», МХСК, қолаверса, «Пахтакор» сингари кучли жамоалар бор. Шу ҳусусда фикрингиз қандай?

— Менинг ҳам, жамоамиз аъзоларининг ҳам мақсади ҳужумкор, чиройли ўйин кўрсатиш. Ўйинимиз қовушса, омадимиз чўпса, натижа ҳам ўзимдан бўлаверди. Мана, икки футболчимиз, агар ҳарбий хизматга қақрилиб, бу йил МХСК сафидан ўйнайдиган ҳимоячи Соиб Аҳмедовнинг ҳам кўрсатишга имконияти бўлса, бу футболчимиз мамлакат терма жамоаси сафидан жой олди. Бу биз учун, албатта, қувонarli ҳолдир. Шунингдек, мамлакат олимпияти ҳамда ёшлар терма жамоаларига ҳам лаёқатли ўйинчилар етказиб бериш ниятидамыз.

— Жамоадаги ўзгаришлар, мавсумолди ўрашувлари ҳақида гапириб берсангиз?

— Утган йилги таркибини тўла

саклаб қолдик. Юқорида айтганимдек, Соиб Аҳмедовдан бошқа бирорта ўйинчимиз жамоани тарқ этгани йўқ. Бу ҳол биз мураббийлар билан ўйинчилар ўртасидаги муносабат тўғри йўлга қўйилганлигини билдирса, бошқа клублардан айрим ўйинчилар жамоамиз сафида ўйнаш истагиди эканлиги ҳам қувонarliдир. Ҳусусан, Термизнинг АСК жамоасидан ҳимоячи Рафик Халилулин, «Чилонзор»дан Сарвар Шарипов, «Афросиёб»дан Егор Гладковлар бу мавсум «Дўстлик» сафида ўйнайдилар. Бу йилдан бошлаб ўринбосарлар таркиби ҳам ташкил этилганлиги тўғрисида биз аввал эътиборни вилоят футбол мактаби талабаларига қаратдик. Мавсумга тарадуудини ўтган йилнинг 20 декабридан бошлаган эдик. Қиш қўлай келганлиги сабабли машғулотларни ўз «Йимиз»да ўтказдик. Бир қатор ўйинларда ёшларни ҳам синиб кўрдик. Мамлакат миллий терма жамоасига 2,4 ҳисобидан ютказиб, «Кузбас» жамоасини 1:0, «Целинник» футболчиларини 1:0 ҳисобларида мағлубиятга ўрашиб, Тольяттининг «Лада» жамоаси билан 1:1 ҳисобидан дурранг ўйнадик. Вилот «Наврўз» аънавий турнирида кўнгилдидек катнашмоқда.

— Футболчимиз нуфузини ошириш, уни жаҳон андозалари талаблари даража-

сига олиб чиқиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш керак. Шу ҳусусдаги фикрингиз.

— Бунинг учун энг аввало биз мураббийлар етарли билим-малакага эга бўлишимиз лозим. Сир эмас, собиқ иттифок ҳам парчаланди, унинг назарияси ҳам эскирди. Мен ҳозирда Осиё футболни эмас, балки Европа футбол мактаби назариясини чуқур ўрганишимиз, ана шу йўналишда машғулотлар олиб боришимиз лозим деб ҳисоблайман. Шахсан ўзим кўни чега Германиядан қайтиб келдим. У ердан бир ҳафта бўлиб, «Бавария» — «Карлсруе», «Байрлеркерузен» — «Дуйсбург» ўрашувларини томоша қилдим. Мураббийлар, клуб раҳбарлари билан мулоқотда бўлдим. Утган йили ҳам жамоамиз Германияда сафарда бўлиб, халқаро турнирда катнашганди. Бу йил ҳам июль ойида Германияга сафар қилиш ниятидамыз бор. Ўқув машғулотлари қатори халқаро турнирда иштирок этамиз. Тўғри, Осиё футболдан ҳам кўп нарсга ўргана бўлади. Лекин ишимизни Европа футбол мактаби йўналишида олиб бораётган мақсадга эришамиз, деб ўйлайман.

БУ ЖАДВАЛ ЎТГАН ЙИЛНИКИ, БУ ЙИЛНИКИ ҚАНДАЙ БЎЛАРКИН?

ҲУРМАТЛИ ФУТБОЛ МУХЛИСЛАРИ!

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мамлакат VI миллий биринчилик якуний жадвалига бир назар ташлаб, бу йил жамоаларининг имкони ва йил охирида улар эгаллайдиган ўринларини ўзингизча тахмин қилиб кўрингчи, футболдаги «топкир»лигингиз қанчалик тўғри чиқарикчи?

	Ю.	Д.	М.	Т-Н.	О.
1. «Навбахор»	23	5	2	88-23	74
2. Нефтчи»	23	3	4	72-30	72
3. МХСК	18	8	4	80-41	62
4. «Дўстлик»	17	4	9	52-38	55
5. «Нурафшон»	15	5	10	52-39	50
6. «Пахтакор»	15	3	12	50-30	48
7. «Трактор»	12	7	11	46-43	43
8. «Наврўз»	11	8	11	44-51	41
9. «Атласчи»	11	3	16	48-62	36
10. «Динамо» (С)	11	1	18	36-46	34
11. «Янгир»	10	3	17	43-55	33
12. «Сўғдиёна»	9	5	16	42-58	32
13. «Косонсой»	9	3	18	32-61	30
14. «Машъал»	8	4	18	28-64	28
15. «Динамо» (У)	8	3	19	36-67	27
16. АСК	4	7	19	29-70	19



«Машғулот пайти»

ОЛИЙ ТАБАҚА ЖАМОАЛАРИНИНГ МАМЛАКАТ VI МИЛЛИЙ БИРИНЧИЛИГИ ЎЙИНЛАРИ ТАҚВИМИ

БИРИНЧИ ДАВРА

1 тур 18 март, сешанба «Пахтакор» — «Афросиёб» «Навбахор» — «Сўғдиёна» «Насаф» — «Нефтчи» «Дўстлик» — «БУХОРО» «Зарафшон» — МХСК «Атласчи» — «Трактор»	«Хоразм» — «Трактор» 30 март, якшанба «Чилонзор» — «Пахтакор» «Андижон» — «Насаф» «Сўғдиёна» — «Зарафшон» «АФРОСИЁБ» — «ДўСТЛИК» «Нефтчи» — «Атласчи» 31 март, душанба «Янгир» — «Навбахор» «Бухоро» — «Косонсой» МХСК — «Хоразм»	«Пахтакор» — «Навбахор» 7 тур 12 апрель, шанба «Зарафшон» — «Янгир» «ДўСТЛИК» — «ЧИЛОНЗОР» «Атласчи» — «Андижон» «Косонсой» — «Афросиёб» «Хоразм» — «Сўғдиёна» МХСК — «Бухоро» 13 апрель, якшанба «Насаф» — «Пахтакор» «Трактор» — «Нефтчи»	МХСК — «Сўғдиёна» «Бухоро» — «Нефтчи» 10 тур 18 май, якшанба «Янгир» — «Хоразм» «Пахтакор» — «Атласчи» «Навбахор» — «Зарафшон» «НАСАФ» — «ДўСТЛИК» «Андижон» — «Трактор» «Атласчи» — МХСК «Сўғдиёна» — «Бухоро» 19 май, душанба «Чилонзор» — «Косонсой»	«Навбахор» — «Косонсой» «Андижон» — «Бухоро» «Афросиёб» — «Нефтчи» 13 тур 12 июнь, пайшанба «Трактор» — «Янгир» «Хоразм» — «Навбахор» «Косонсой» — «Насаф» «АТЛАСЧИ» — «ДўСТЛИК» 13 июнь, жума МХСК — «Чилонзор» «Нефтчи» — «Андижон» «Сўғдиёна» — «Афросиёб»	«Бухоро» — «Пахтакор» МХСК — «Навбахор» «ХОРАЗМ» — «ДўСТЛИК» «Косонсой» — «Зарафшон» «Афросиёб» — «Андижон» 8 июль, сешанба «Трактор» — «Насаф» 16 тур 16 июль, чоршанба «Янгир» — «Афросиёб» «Чилонзор» — «Сўғдиёна» «ДўСТЛИК» — «ТРАКТОР» «Зарафшон» — «Хоразм» «Атласчи» — «Косонсой» 17 июль, пайшанба «Пахтакор» — «Нефтчи» «Навбахор» — «Бухоро» «Насаф» — МХСК
---	---	--	---	---	--

2 тур
22 март, шанба
«Андижон» — «Пахтакор»
«Афросиёб» — «Навбахор»
«Сўғдиёна» — «Насаф»
«НЕФТЧИ» — «ДўСТЛИК»
«Бухоро» — «Зарафшон»
МХСК — «Атласчи»
23 март, якшанба
«Янгир» — «Чилонзор»
«Трактор» — «Косонсой»

3 тур
26 март, чоршанба
«Навбахор» — «Андижон»
«Насаф» — «Афросиёб»
«ДўСТЛИК» — «Сўғдиёна»
«Зарафшон» — «Нефтчи»
«Атласчи» — «Бухоро»
27 март, пайшанба
«Пахтакор» — «Янгир»
«Косонсой» — МХСК

4 тур
4 апрель, жума
«Насаф» — «Янгир»
«Навбахор» — «Чилонзор»
«ДўСТЛИК» — «Андижон»
«Зарафшон» — «Афросиёб»
«Атласчи» — «Сўғдиёна»
«Косонсой» — «Нефтчи»
«Хоразм» — «Бухоро»
«Трактор» — МХСК

5 июль, пайшанба
«Косонсой» — «Пахтакор»
«Атласчи» — «Навбахор»
«Зарафшон» — «Андижон»
«Нефтчи» — «Сўғдиёна»

6 тур
19 апрель, шанба
«ПАХТАКОР» — «ДўСТЛИК»

7 тур
13 май, сешанба
«Косонсой» — «Янгир»
«Атласчи» — «Чилонзор»
«Хоразм» — «Андижон»
«Трактор» — «Афросиёб»
14 май, чоршанба
«Зарафшон» — «Пахтакор»
«ДўСТЛИК» — «НАВБАХОР»

8 июль, якшанба
«Чилонзор» — «Трактор»
«Насаф» — «Атласчи»
«ДўСТЛИК» — «ЗАРАФШОН»

9 июль, душанба
«Янгир» — МХСК
«Пахтакор» — «Хоразм»

Саҳифа материалларини «Тошкент ҳақиқати» спорт шарҳловчиси Шарофиддин УМУРЗОҚОВ ва Доврон АҲМАД(суратлар) тайёрладилар.

Тошкент шаҳри корхоналари ва бош муҳосиблари ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳридаги йўловчи транспорт Давлат Уюшмаси қошидаги «Йўловчипанас» Бирлашган ҳўжалик ҳисобидаги Марказ маъмурияти банк рекузитлари ўзгарганлигини билдириб, 1997 йил 7 мартдан банк операциялари қуйидаги рекузитлар бўйича амалга оширилишини маълум қилади:

«Йўловчипанас» БХХМ
Тошкент ш.,
Т. Малик кўчаси, 3 а уй
ҳисоб рақамимиз
20210000300415198001 банк коду
00832

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти миллий банкининг вилоят бўлимида.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси ҳокимлик масъул ходими Й.Тешабоевга волидан муҳтарамаси
УЛУҒ ВА ЗИЁМУҲАММЕДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ **Муассис:** **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ** **Бош муҳаррир** **Фатҳиддин МУХИДДИНОВ** **Манзилимиз:** 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. **Телефонлар:** хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Ёшлар: 33-99-15, 36-57-27. • Ёшлон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўригилиги учун реклама ва ёшлон берувчилар масъулдир.